

ШАРҚ МУМТОЗ ШЕЪРИЯТИ ДУРДОНАЛАРИ

АЛИШЕР НАЗОИЙ

БИР ШАРИШАЙКАР  
ҒАМИ

(Ғазаллар, мустазод, қитъалар, рубоийлар,  
туюқлар, фаралар, «Маҳбуб ул-қулуб»дан,  
«Назм ул-жавоҳир»дан, «Арбаъин»дан)



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

11—14

Нашрга тайёраючи, сўз боши ва изоҳлар муваллифи:

филология фанлари номзоди Эргаш **ОЧИЛОВ.**

Масъул мухаррир:

филология фанлари номзоди Ваҳоб **РАҲМОНОВ**

**Алишер Навоий.** Бир паришайкар тами:  
(Ғазаллар, мустазод, қигъалар, рубоийлар, туоқ-  
лар, фардлар, «Маҳбуб ул-кулуб»дан, «Наам ул-жавоҳир»дан, «Арбаин»дан). — Тошкент: «Шарқ»,  
2006. — 176 б.

Миславт қўёти Алишер Навоий ижодидан тартиб берил-  
ган ушбу тўплам улур шоир тафаккурининг дурдишлари —  
халқимиз ичидаги тарқалиб, қўнига айлантиб кетган,  
радио ва ойнаи жаҳон орқали ҳар куни гаралиб турадиган  
ҳассос ғазаллари хамда ўқунчилар орасидаги машҳур муста-  
зод, қитъа, рубоий, туоқ ва фардлари, шунингдек, «Маҳбуб  
ул-кулуб», «Наам ул-жавоҳир», «Арбаин» асарларидан сара-  
лаб олинган шурмаъно шеърларини ўз ичига олади.

Сўз мулкининг сўлтони билан наиватдоги учрашув сизга  
муборак ишенин, авва шерният мухлислари!

20/02

Alisher N.

nomzodi

A636

O'zbekiston

ББК. 84 Ҳа1-5

ISBN 978-9943-00-009-4

1032756  
29,

© «Шарқ» пашриёт-матбава акционерлик  
компанияси Бон таҳририяти, 2006.

## МАХОРАТ КИРРАЛРИ

Султон Ҳусайн Бойқаро «Рисола» асарында Алишер Навоий изходига юксак баҳо беріб, уни сұза мұлкінинң сохібқириони деб таърифлаган зди. Дархәқиқат, үзіннің құдратлы қаламы күчи билан ҳаёттегідағы Шарқ мамлекетларинің забт этиб:

Олибмен таҳти фармонимга осон.  
Черик чекмай Хитодин то Ҳуресон.  
Ҳуресон демаким, Шерозу Табрез —  
Ки, қылмышдур наийи кильким шакаррэз.  
Күнгүз бермиш сўзумга турк жон ҳам.  
Не ёлгуз турк, балким туркомон ҳам.  
Не музик ичраки, бир фармон йибордим.  
Анинг забтия бир девон йибордим. —

дея үзүүнүнг төңгиз шеърий салохияти, асарлариңнг шүхрати биләп ифтихор этган шоир буғунги күнди беш аср беридаги забирдаш халафи Абдулла Орниев ҳавас ва ҳайрат биләп ёғаныдек, «миллиард мартабалы жаңо» илмү адаб ахлиниңг элтиборшын Үзигэ қаратыб турибди:

*Байтингта бир бора қовушган ҳар таб,  
Тикрорлаб кетүен маңшаргача то.  
Қаратыб турибсан бу ён, не ажаб,  
Миссиярд мартабати жаһонни ҳатто.*

Азиндер Навоий асизида Ҳомер, Фирданеий, Ницомий, Румий, Данте, Шекспир, Гёте, Бальшак, Пушкин, Толстой каби жаҳон адабиетининг забардаст намояндилари билан бирг қаторда туради. Зоро, юкесак бадиниити, терап фаленфаси, кепг қамрови, умуми илоний масалалар ўзининг ҳассос инфодасини топганни жиҳатидан Навоий

асарлари жаҳон адабиётининг энг баркамол шамуналари билан бўйлаша олди ва шоирининг ўзи дунёниг буюк салъаткорлари рўйхатида энг юқори ўринлардан бирини оғалишта ҳар жиҳатдан муносиб. Жалолиддин Румий ўз даврида лутф этиб: «Агар муслимият Савоййининг улувалигини кўра билсайди, жамики мўминларининг қалпоги бошидан тушардил!» — деган эди. Биз бу фикрни бир оз ўзгартириб: «Агар иносит Навоийининг буюклигини алграб етганида, уни дунёга берган ҳалқни бошига кўтарар эди!» — деган бўлар эдик.

«Ҳафт авранг» хотимасида Абдураҳмон Жомий Алишер Низомийнинг истеъоди па маҳоратига юкак баҳо бериб, у Низомий Гапжавий па Амир Хусрав Деклавий шашасига муносиб пажа ура олди, ҳатто улардан ҳам ўзиди кетди. Яхшиямки, у асарлариши туркйда яратди, агарда форсийда қалам тебратганида борми, бошқаларга бу майдонда жавлон уриш учун мажол қолмас эди, деб ёзди:

*Ки тир буди он ҳам ба назми дари.  
Намонди мажози сухангустиари.  
Ба мисони он назми мўъжизнизом  
Низомий ки буди-ю, Ҳусрав қадом?*

Алишер Навоий ижоди мангу барҳаётлигининг сири шундаки, у азалий ва авадий мавзуларни катто маҳорат билан қаламга олган: яхшилик, одамийлик, муҳаббат, вафо, дўстлик, мардлик, одоб, ҳәё, саконат, қапоат, адолат, лиёнат, олижапоблик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик каби фазилатларни улувлаган бўлса, ёмонлик, зулм-зўрлик, хиёнат, дислоарлик, ёлан, ҳасад, риё, кибр, хасислик, тама, нафеги қул бўлинш, поҳақлик сингари иллатларни кескин ташқид қилиган. Иносит жамияти мавжуд экан, бу ижобий ва салбий хусусиятлар у ёки бу давражида яшайди. Бинобарин, Навоийдек ҳассое шоирларниг эгулини улувлаш, ёвузликни қоралашта йўналтирилган неврлари ҳамма даврларда ҳам жамият манфаатларига бирдай хизмат қизловеради.

Алишер Навоий мероси юксак бир төгөг ўхшайды: узоқдип шундоққина қўл етгудай масофада кўринса-да, бу бекиёс ижод оламига кириб борганинг сари упинг нақадар улуғворлигини ҳис қиласиз. Олам ва Одамга дахлдор барча масалалар, тушунчалар ўзининг бетакрор бадний талқинини топган бу шаклан гўзал, мазмунан серқирра асарларни мутолаа қилар экан, бир томондан, шонрининг қангчалик буюклигини эътироф этсангиз, иккизчи томондан, упинг олдида ўзигизининг қангчалик ожизлигингизни атглаб етасиз. Шарқ сўз санъати ўзигача зришган барча ютуқларни ўзида мужассамлаштирган бу шеърият ҳақиқатини ҳам теран, мураккаб, ранг-баранг. Хусусан, ҳозирги кунда Навоийни ўқиб тушуниш олдида олий математика ҳеч парса бўлиб қолди. Чунки буниш учун Шарқ фалсафаси, маданияти, адабиёти, мумтоз сўз санъатининг ижодий методи, образлар олами, ўзига хос рамзу тимсоллари, бадний санъатлар, аruz вазни, араб ёзуви (ҳарфий ўйинларга асосланган шеърлар, абжад-таърихларни тушуниш, муаммо жапридаги намуналарни ечиш учун), эски ўзбек тилини билиш, форс ва араб тилларидан маълум даражада хабардор бўлиш талаб қилинади.

Шарқ мумтоз сўз санъатидава пафақат янги гап айтиш, теран фикр ифодалаш, балки ана шу янги гап, теран фикрии қаҳдай шаклда, қайси бадний санъатлар во-ситасида ажэ этириши ҳам бирдай мухим бўлган. Бу адвабиётда бадипятдан маҳрум қуруқ суханбозликка ружу қўйинш мазаммат этилган. Пойирга ҳаётий долзарб ва мухим мавзуларда қалам тебратишни эмас, балки бадний баркамол асарлар яратганинг қараб баҳдо берилгани. Шунинг учун ҳам Шарқда шеърининг ва шонрининг қадри баланд тутилган.

Алишер Навоийнинг асрдан-аерга ўтган сари тобора ошиб бораётган шуҳратининг асл сабаби ҳам асарларининг юксак бадниятида. Шонир шеърлари пафақат мазмунининг чукуралигию фалсафасининг қуюқлиги, балки шаклан гузаллиги, бадний санъатларга бойлиги, ҳассос руҳи ва ёқимли оҳашги билан ҳам кишини ўзига торған

ди. У ўзбек тилини узуклабгиниң қолмай, айни пайтда, ўзбек адабиётини, бадий сўзини да юксак нояга кўтварди. Навоий асрларининг ҳамиша, ҳамми дэврларда ашлодлар учун қўл етмас чўққи бўлиб қолаётганинг сабаби шунда.

Навоий ижодидаги бадий воситалар истифода этилмаган, шунчаки у ёки бу фикр ифодасига хизмат қиласидан оддий байт, ҳаттоқи мисравни ҳам топиш қийин. Шоир ҳар қандай фикр, кечинма, манзарани гўзал бадий санъатлар воситасида юксак маҳорат билан ифодалайди. Чунончи:

*Ер оғиз очмасқа дардим сўргали тонтим сабаб:  
Кўп чучукликтиң ёнушманилар магир ул иккى лаб.*

Бу байт Шарқ шеъриятида машҳур ҳусни таътил санъатининг гўзал намунаси. Ҳусни таътил — чиройли далил келтириш бўлиб, шонрлар ўз фикрларини бадий гўзал шакидаги асослаш учун бу санъатга мурожаат қиласилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрининг ҳақиқиҳи сабаби бўлмай, шонрлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Келтирилган байтда ҳам маъшуқанинг ошик аҳволини сўрамаслигига лабларининг азбаройи ширинлигидан бир-бирига ёнишиб қолганлиги сабаб қилиб кўрсатилади. Албатта, бу ҳақиқат эмас, балки «гўзал ёлғон», лекин ушбу ташбех ўзининг оҳорти на бетакрорлиги билан ўқувчини ҳайратга соглади.

Қўйидаги байтда эса бриининг оргик жабру жафо қиласмай қўйганини ўнинг кўнглида раҳм-шафқат уйвониги эмас, балки ўзига кўрсатмаган жабру жафоси қолматани билан асослайди:

*Ёрким, қистмас жиғону жавр — эрмас раҳмдин —  
Ёлим, манга қўргузмаган жавру жафоси қолманини.*

Маъшуқанинг ўз ошигига жафо қилишдан қўз тортиши (аслида уни унутиб қўйиши)ниш сабаби сифатидаги келтирилган бу далил гарчи ёлғон бўлса-да, ўзининг за-

рофати, тұшылғы, таъбир жоға бўлса, ҳақиқатига ўхшаб кетиши билан ўқувчида жетек завқ үйногуди.

Аслида адабиёт, хусусан, шеърият «гузал ёлғон»дан иборат. Шоир «рост» гапира бошласа, ҳамма наргани ўзидан «қўшиб-чатмай», ўхшашига қиёсламай, бор ҳоли-ча яланюч тасвирласа, шеъриятнинг оддий гандан фарқи қолмайди. Шоирининг шоирлигига ҳам ани шу «гузал ёлғон»ни қанчалик маҳорат билан «тўқий олиши» ва ўқувчини бунга инсонтира олишида намоён бўлади.

Илми бадельда машҳур санъатлардан бирни ҳуени ибтидо ёки ҳуени матлаъ бўлиб, у шеърини чиркоили байт билан бошлатадир. Шарқ шеъриятида матлаъни гузал бошлишта ҳамина жиҳдий зътибор бериб келинган. Чунки мулла бисемилосидан матълум деганичаридек, шеърининг қандайлигини ҳам ушине илк байтидан билса бўлади. Яхши шеърининг барчи байт ва мисралари бирдий гузал бўлади, маҳоратли шоир бўши ва замиф мисралар тизмайди. Алишер Навоийнинг «Чор девон»идан ўрин оғлан 2600 та ишалдан барчасининг матлаъни гузал, лекин айримлари бу санъатнинг дурдиналари даржасига кўтарилган. Жумладан:

Ҳуени ортар юнда эззифти анбарафтион айтагач,  
Шамъ рившанроқ бўлур торин паришон айтагач.

Шамъ шундай ҳам ёниб, ёрувлик таратади, лекин низлиги толшларини ёзиб юборса, унинг ёниш доираси кенгайиб, ёрувлиги кучаяди ва кенгроқ сатҳни ёритади. Шунга ўхшаб, маҳбубанинг сочи шундай ҳам ҳуенига ҳуени қушади, шундай ҳам уздан муаттар хид таъради. Лекин уни ёзиб юборса, ҳам ҳисси туркираб кетади, ҳам чиройини янада очади ва ошиқлари сафи янада кўнади.

Навоий ташбеҳлари ҳамина ўзининг ҳаётнингни билан ажразиб туради: у теварак-итроғдаги ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким зътибор бермайдиган нарев-ҳодисалардан ўз фикрини гўзл ва таъсирчан шаклда ифодалаш учун фавқулоди яжойиб ва оҳоран қиёслар, ўхшатишлар тоиди:

*Аңдөқ күрүтди сабжы арасында лолалар —  
Ким, сабжаттар илгизде олтун ииёләләр.*

Бу ерда майсалар ичри яшнаб турган лолалар құнда  
олтис пиёла тутған гүзәлларға ўхшатилағыт.

Шоирнинг ҳақиқий поирларында у ёки бу нараса-  
ни ўзининг қапчалик мүносеб үхшашыны топыб, гүзәл ға  
охорны ташбекхлар воситасыда тасвијтлашида намоён  
булади. Шулчаки баёлчылар табын нәзми бор ҳар қандай  
одамнинг ҳам құндан келиши мүмкін. Лекин чинакам  
бадиият дурданағарини яратып ҳақиқий истеъоддога на-  
сив қылсади.

*Келди Чин наққони ул көз нақшаниң қылмоққа тарх.  
Чехра очиб, инқашы девор айланынг наққонши.*

«Чин (Хитой)лик мусаввир суратынғи чизиш учун  
келған әди, лекин қозинши очишинғи билди уннинг ўзи де-  
вортага чизилған суратта ўхшаб қотиб қолди».

Матыумки, қадымги Хитойда мусаввирик ривож-  
лаған. Шуннинг учун ҳам Шарқ адабиётида мусав-  
вираварнинг маҳоратда тәнгесізлігіни тиъкіндешеуден  
уәларни албытта чишлик қилиб күреатадилар. «Фарҳод  
ва Ширин» достонидаги Фарҳоддинг наққошик сағы-  
ватидаги устюзи Монийнинг ҳам чишлик эканнин ас-  
ланы. Шундай қилиб, таърифи етти иқдимтә машхур  
гүзәлнинг суратын чизиштегі келған чишлик маҳоратда  
тәнгес мусаввирининг ўзи «нақши девор» — деворда-  
ғы суратта айланади.

Нуриддин Шукuros ҳақын жағында лутф этганидек,  
бу байт асосида бемалол бир ҳикоя ёки қисса яратып  
мүмкін.

Еш бола бор уйда ҳеч нараса, ҳагто ўғрилик ҳам  
ниңхан қосмайды. Шунга ўхшаб, көз ёши ҳам кипининг  
ички сиршы фюз қилиб құялы, дейди поир:

*Оразин күрдүм, ниҳон аник айлады сиримниң фош.  
Яшүрун қолмае ўқырлук уй ароким бүлсе ёш.*

Албатта, бундай қарагында, күз ёши ва ёш боланинг бир-бирига ҳеч қандай писбати йўқ. Лекин Навоийнинг маҳорати шундаки, бу ерда у кўз ёши ва ёш боланинг мувйини хусусияти вро муштаракликини тонев олган — бу: кўз ёши — ишоининг, ёш бола — хонадониниг сирини фиш қилиши. Ён сўзининг икки маънини — ҳам кўз ёши, ҳам ёш болани билдириши шоирга қўл келган.

Куринаидики, Навоий ташбех сийматини ҳадди аудосига етказган — шоир шеърларида ташбехининг фавқулодда, бир-биридан гузал ва бетакрор намуналарига кўп дуч келамиз. Айтайлик, шоир ишқини ўтида бутун жисему жоним кўйгани учун кўнгиланинг кўкрак қафасини синдириб чиқишига уриниши ҳайрон қоладиган ҳодиса эмас, деб ҳарчанд оҳу фарёд чекмасин, бу ҳолагини ўйнга ўт тушган кишининг ўзини ҳар ёққа уришига ўхнатмаса, унчалик таъсирли чиқмас эди:

*Жиссим агар куяр, кўнгул толиниурин ажаб эмас.  
Кимки ўйнга тушса ўт, цўқ ажаб иштироб анга.*

Алишер Навоий муболава сийматидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Шоир тасвир жараёнида баъзида у ёки бу нарса-ҳодисанинг асл ва табиий ҳолятини каттагаштириб ёки кичрайтириб олади, яъни таърифини ҳаддан ташқари юксакка кутарди ёки ерга уриб юборади. Бу усул муболава деб аталиб, унинг уч тури фарқланади. Агар шоирининг ушибу даъвоини ақду одатта мувофиқ бўлса, бундай муболава мақбуз ҳисобланади ши таблир дейилади. Агар даъво ақдла сирса-ю, одатдан ташқари бўлса, унга ироқ дейилади. Агар даъво одатдан ташқари бўлиб, ақлга ҳам сирмаса, вулув деб юритилиди. Гулув ҳаддан ўтмоқ маъносини билдиради. Навоий ижодида муболаванинг барча турларига дуч келиши мумкин. Мисол учун, у маҳбубамни кутиб, тонг отгунча кипригимга уйқу қўнимади, деча, бу гапти ҳамма ҳам ишонади:

*Кече келгумдур дебон ул сарви гулру келмади,  
Кўзларимка кече тонг отқунча уйқу келмади.*

Бу муболаванинг таблиғ турига мисол бўла олди.

Лекин шоир ушбу ҳижрон кечасини ногаҳон туш курсам, унинг даҳшатидан заҳрам (ўт пуфагим) ёрилиб, ўлган бўйар эдим дер экан, бу даръво ақлга синса ҳам, одатдан ташқари. Ҳемак, бу ироқ ҳисобланади:

*Ушбу ҳижрон кечасин туш кўнгам эрди ногаҳон,  
Ёнгай эрдим вахмдин, албатта, заҳрам ёрилиб.*

Шоир ижодида муболаванинг «Торни дашт қилиб, даштини ток айлади дардим» қабилийтигугулув турин кўпроқ учрайди:

*Бўлубтур зяъфим ул янгиликни, боссам мурин ўлмас  
Вале ул жиссими узри чиқса, дардизин чиқар жоним.*

«Шунчалик заифлашибманки, чумолини боссам ҳам, у ўлмайди, лекин чумоли устимга чиқса, овирлигидан жоним чиқди».

Албатта, одам боласининг бу даражада заифлашиши одатдан ташқари, ақлга ҳам тўёри келмайди. Байт орқали шоир ишқ дастида ҳаддан ортиқ раёнжу азоб чекиб, ожизу ногавон бир аҳволга тушиганинг муболака йўли билан билдирилмоқда.

Навоий ижодида ташхис санъатига ҳам кун дуч келамиз. Ташхис деб илми бадеъда шахсантириш, иъни табиштаги нареа-ходисаларни жонлантириб, уннага инсонга хос хусусиятларни иисбат беринига айтилади.

*Яни ойни қопини гўё қулум дебтур ҳилол отлиқ.  
Қали таъзим учун ҳамдур бўлуб бу нуктадин мамину.*

«Копини яни ойни Ҳилол отлиқ қулум деганига у бу илтифотдин мамину бўлиб, таъзим учун қассанини ҳам қилибди».

Бу ерда ҳилол жонлантирилиб, инсонга ўхшаб таъзим қиздирилмоқда. Айни пайтда, байтда ҳусни таъзил санъати ҳам мавжуд: ҳилолиниг эгиклигини унинг маъ-

шукта қопига тағзим қылаётгани сабаб қилиб күреатилмөкдә.

Күйидаги байтда эсө сабо жонлантирилиб, у ғуичанинг ёқасини йиртиб, қүйнини ҳарчанд ахтармасин, маҳбубанинг жоибахш қаломидек сўз гавҳарини тоғмаганилиги айтилаланти:

*Қаломинг гавҳарицек тоғмамиш, гарчи сабо илти  
Ёқасин ғуичанинг йиртиб, нечаким қўйниш  
ахтарманиш.*

Маътум буладики, Алишер Навоий ижодида бодний санъатлардан холи шеър тугул, байт ҳам йўқ экан. Албатта, у тазод, талмех, ийхом, иреол ул-масал, тажоҳуди орифона, лафф ва нашр, истиора, тажнис, таносуб, ружуъ, такрор, тарсесъ, саволу живоб, қалб, интиқоқ, тарди акс, фахрия, қаломи жомсъ, зулқофиятайн каби кўпдан-кўп санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдалашганки, уларнинг барласи ҳақида бу ерда фикр юритишнинг имкоши йўқ. Шонир маҳоратининг юксаклиги ҳам, асарларининг бодний баркамоллиги ҳам шундай. Айни жиҳатдан, Абдулла Оринов: «Навоий ғазалларининг ҳар бир мисрасидаги образ бизнинг бутун бир шеъриятимиздаги хуносадан бир неча маротаба баланд туради», — деганида ҳақини эди. Бутун бошли шеърни биргина ташбеҳ ёки деталь асосига қураётгани ҳозиррги ёш шонирлар учун Алишер Навоийдек сўз санъаткорлари ижоди бу борада маҳорат мактаби булиб хизмат қилиши ўзбексиз.

*Эргаш ОЧИЛОВ,  
физиология фанзари номзоди*

ЖАЗАЛЛАР

## ЖАЗАЛЛАР

Қаро күзум, кел-у, мардумлиғ<sup>1</sup> әмди фан<sup>2</sup> қилрил.  
Күзум қаросида мардум киби ватан қилрил.

Юзинг ғүзиге күнгүл равасин<sup>3</sup> яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилрил.

Таковаринге<sup>4</sup> барир қонидин ҳине боғла,  
Итингга ғамзада<sup>5</sup> жон риңтасин расан қилрил.

Фироқ төнида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб, яла ул төвде күжкап<sup>6</sup> қилрил.

Юзинг высолика етсун, десант, күнгүлларни,  
Сочингни боштип-аёғ чин ила шикан<sup>7</sup> қилрил.

Хазон сипоҳира, эй боғбон, әмас монеъ,  
Бу боғ томида гар итнадин тикан қилрил.

Юзида терни күрүб ўлсам, ой рағиқ, мени  
Гулоб<sup>8</sup> ила көв-у, гул барғидин каған қилрил.

Навоий, анжумаш шавқ жон аро тұзсанг,  
Аниш бошөглиғ<sup>9</sup> ўқын шамъы анжуман қилрил.

<sup>1</sup> Мардум — 1) киши; 2) күй қорачыны.

<sup>2</sup> Фан — бу ерда: касб, одат; маңғад.

<sup>3</sup> Раваса — 1) бор; 2) жаиннат.

<sup>4</sup> Таковир — Ыўра от.

<sup>5</sup> Ғамзада — замғиз, қайрули.

<sup>6</sup> Күжкап — 1) тор қалувчи; 2) Фарҳоддинг лиқаби.

<sup>7</sup> Чин ила шикви — ҳадіқа ва жинигевек:

<sup>8</sup> Гулоб — шакар, сув, атиргул япроқтаридан таберланадиган хүшбүй ичимлик; мажозан; күа ёни.

<sup>9</sup> Башөглиғ — ўтқир учти, утқир тиелі.

# КЕЧА КЕЛГУМДУР

\* \* \*

Кеча келгумдур дебон ул сарви<sup>1</sup> гулру<sup>2</sup> келмади.  
Күзларимга кече тонг откүнча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтим-у, чектим йўлида интизор,  
Келди жон оғизимга-ю, ул шўхи бадхў<sup>3</sup> келмади.

Ораандек<sup>4</sup> ойдин эрканда гар ёти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек<sup>5</sup> ҳам ӯлганда қаронғу келмади.

Ул париваш ҳожридинким, йигладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

Кўзларингдин печа су келгай, деб ӯлтурманг мени —  
Ким, бори қон эрди келган, бу кече су келмади.

Толиби содик топилмас, йўқса ким қўиди қадам,  
Йўлваким аввал қадам, маъшуқи утру<sup>6</sup> келмади.

Эй Навоий, бода<sup>7</sup> бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйға қайғу келмади.

<sup>1</sup> Сарв — қиппин-ёзин кўм-кўк бўлиб янтиаб турдиган иғнабарғли гўзал ва хутномат дірахт. Мумтоҳ адабиётдл маъшуқанинг кезлигинги зебо қодди-қометини унга ишбат берадилар.

<sup>2</sup> Гул ў (й) — гул ивали; гўзал, чиройли.

<sup>3</sup> Бадхў (й) — фръян ёмон; бу ерда: ситимгар маҳбуба.

<sup>4</sup> Ораиз — юз, ҷедра.

<sup>5</sup> Рўзгор — 1) гурмуш, ҳаёт; 2) тақдир; 3) дивр, замон.

<sup>6</sup> Утру — қарши, муқобил, рупара.

<sup>7</sup> Бода — май, шароб, масти қизуичи ичимллик. Тасаввуф адабистидиа ишқ ва ирғон (маъриғат) рамзи булиб келади.

# ЖАҢАЛЫҚТАРДА НАСИХАТЫНДА БАЛЫКІРДАРДА

\* \* \*

Күргали ҳуенунгни зору мұбтало бўлдум санга,  
Не балолиғ күп әдиким, ошно бўлдум санга?!

Ҳар неча дедимки, күп-кундин узай сендин күнгүл,  
Ваҳки, күп-кундин батаррак мұбтало бўлдум санга.

Мен қачон дедим вағы қылтыл манга, аулам айлаңдиг.  
Сен қачон дединг, фидо булыл манго, бўлдум санга.

Қай парипайкарға<sup>1</sup>, дерсөн, телба бўлдум бу сифит,  
Эй парипайкар, не қылсанг қил манго, бўлдум санга!

Эй күнгүл, тарки насиҳат айладим — аввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга!

Жоми Жам<sup>2</sup> бирла Хиар сүйи<sup>3</sup> насибимдур мудом.  
Соқиё<sup>4</sup>, то тарки жоҳ<sup>5</sup> айлаб, гадо бўлдум санга.

Русса чвигидин навое тоимадим ушиноқ<sup>6</sup> аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

<sup>1</sup> Парипайкар — пария ухцини, коят гўзат; париваш.

<sup>2</sup> Жоми Жам — Жамшид жоми. Жам — Жамшид иомининг қисқарған шаки. Жамшид — қасимги Эронинги ағасонавий подшоҳи. Жамшид «Жоми жахоншамо» — жахонни күрсатувчи жом ихтиро қислов бўлиб, узга дунёдаги инфақат ҳозирги, балки утмишда на берган ва ислажақида содир бўлдиган воқеа-ҳодигчалар ҳам аниб этар келин. Май қадаҳи ва комил инсон қалбиги ҳам илоҳий спирттарни узида сақлашни жиҳатидан Жамшид жомига ишбат берадилар. Жамшид иоминидаги май ичкни билан сира тутамас омиши.

<sup>3</sup> Хиар сүйи — оби ҳаёт; Хиар айлайхиссалом ер остидан тоғиган ниичиб аబадий ҳаётти ионал булғон мангулук суви. Оби ҳаёт тасвишнифда салл-ҳаракат билан эришиб булмайдиган. Оддох томонидан узи хохлаған бандаларига берильадиган ладуний (илоҳий) шам маъносида иелади.

<sup>4</sup> Соқиң деганида сўфийлар. Мұхаммад айлайхиссаломни, маъшуқанни, ширғи комил инсонини изварда тутадилар. Соқиң дигарага май улашгани каби улар ҳам одамлар қалбига илоҳий файз беринилгандилар. ҳақиқиетни ишқ утини соладилар. ишқ маърифотидан баҳраманд этидилар.

<sup>5</sup> Жоҳ — 1) амас, мартаба; 2) давлат, бойлик; 3) обрў-эътибор

<sup>6</sup> Ушиноқ — ошиқлар.

БАШКИРСКАЯ ПОЭТИЧЕСКАЯ ЛИТЕРАТУРА

\* \* \*

Күңглум ичра дарду ғам аввалиндарга ўхшамас —  
Ким, ул ойниң ҳажри ҳам аввалиндарга ўхшамас.

Не ситамким қылса, рәхм махфий эрди зимнида<sup>1</sup>,  
Әмди қылса ҳар ситам аввалиндарга ўхшамас.

Деманғиз, Ширину Лайли опча бор ҳусен итраким,  
Хұбликда<sup>2</sup> ул сипам аввалиндарга ўхшамас.

Жауридин эрди аламлар, әмди тутмиң ўзғи ёр,  
Үлмишамким, бу алам аввалиндарга ўхшамас.

Иниң аро Фарход ила Мажнуига ўхшатманг мени —  
Ким, бу расвои діжам<sup>3</sup> аввалиндарга ўхшамас.

Күйиншиң әхромидин<sup>4</sup> күңглумни манъ этмаңг яңа —  
Ким, аңға азми ҳаррам<sup>5</sup> аввалиндарга ўхшамас.

Әй Навои, қылма Жамшиду Фаридун<sup>6</sup> писфиким,  
Шоҳ Фозийка<sup>7</sup> карам аввалиндарга ўхшамас.

<sup>1</sup> Зимнида — орасыда, ичиш.

<sup>2</sup> Хұблик — 1) гүзіллік; 2) икшилік.

<sup>3</sup> Діжим — жиілік, хор, ғимғын, шоб чеккап.

<sup>4</sup> Эхром — 1) ҳажів боруучының кійими; 2) бирор ерді боришини иялт қылыш.

<sup>5</sup> Азми ҳаррам — әжі свіфари иясти.

<sup>6</sup> Фаридун (Ағридуи) — қадымғы Зариншың пешодойызыры султанына мансуб оғзинчи ҳукмдор. Үшіншітіннан көнінде ғана ғылыми тарихи мәдениеттегі ойнанында.

<sup>7</sup> Шоҳ Фозий — Султан Ҳусайн Бойқаро.

କାର୍ଯ୍ୟକୁ ଅନୁଷ୍ଠାନିକ ପାଇଁ ଏହା କାମ କରିବାକୁ ପାଇଁ ଏହାକିମ୍ବାନ୍ତିରେ ଏହାକିମ୍ବାନ୍ତିରେ

古文真

Коши ёсінму<sup>1</sup> дейин, күзи қаросипму дейин?  
Күнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Күзи қаҳрииimu дейин, кирпикى захриниimu дейин,  
Бу күдүрүт аро рухсори сафосииму дейин?

Ишк дардинму дейин, ҳажр набардинму<sup>3</sup> дейин,  
Бу қатық дарлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминиму дейин, лаъли<sup>4</sup> каломиниму дейин,  
Бирининг қайди<sup>5</sup>, яна бирининг адосиниму дейин?

Түрға холинму дейин, қады шиҳолинму дейин, Мовий күнглак үза гулраның қабосинму<sup>4</sup> дейин?

Чарх ранжишму дейин, дахр<sup>7</sup> шиканжиму<sup>8</sup> дейин,  
Жошима ҳар бириншиг жавру жафосинму дейин?<sup>9</sup>

Эй Навоий, дема қошу күзининг васфини эт,  
Қоши ёсипму дейин, кўзи қаросипму дейин?

• Ё с и и м у — ёй (камон)дай қаирлма қошнинчи?

<sup>1</sup> Сафо — 1) поклон, тишина; 2) гумилник.

<sup>1</sup> Набард — уруш, жант, мухораба.

“Ваъд — қизил рангли язтироқ қимматбаҳо том. Малышукашинг қизил лабинни унга ишебт берадиллар.

**Райд** — банд, занжир, кница.

\* Кабо — устки кийим

Дві хр - 1) дуні; 2) замон; 3) ҳафт.

III икк и ж — букинш, буралыш; бу ерда; ранжү азоб.

ପ୍ରାଚୀନ କୁଣ୍ଡଳ ମହାଦେଵ ମନ୍ଦିର ଏହାର ଅଧିକାରୀ ଶବ୍ଦରେ କିମ୍ବା କିମ୍ବା କିମ୍ବା

成文本

Мени мен истаган ўз сүхбатига аржуманд<sup>1</sup> этмас,  
Мени истар кишининг сүхбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен шидинки, мандиң истегай баҳра?!  
Чүз үлким, баҳрас аңдииң тилармен, баҳрамаңд этмас.

Нетай хуру пари базмашки, қатлим ё ҳаётимра  
Аёп үл захрчашм<sup>3</sup> айшаб, ниҳон бу нўшхаид<sup>4</sup> этмас.

Керакмас ой иш күн шақылым, ҳусну маюхатдин  
Ишим ул чок-чок этмас, тапим бу банд-банд этмас.

Көрак үз чобуки<sup>1</sup> қотилваш<sup>2</sup> мажпүшиоримким<sup>3</sup>,  
Бүзүг күнглумдин үзга ерда жавлони саманд<sup>4</sup> этмас.

Күнгүл уз чарх золидин<sup>9</sup>, фирибип емаким, охир  
Ажал саррингтасидиши<sup>10</sup> ўзга бүйнүнгра каманд<sup>11</sup> этмас.

Ул ой ўтлук қазын очса, Навоий тегмасин деб күз,  
Мұхаббат тухмидин үзга үл ўт үзра сипанд<sup>12</sup> этмас.

Аржуманда = шаш, квадрат, пятачок, лодыжка.

ЧУ — ЧУХНЯ.

Чарм = 59. Закрившись, взят в теги мок.

Шаханда — чироїн табассум, ширин күлгі.

**Ч а б у к =** тез, чаккон; шын, үйеки дөңдөл.

**К о т и л а в и** — котилла Ухури, котильск.

**Мажиүлшилор** — мажиүлшік (тәлбадик) ғылыми тұтувчи.


**САМУЛЯ - ТУЗИНОВ, АРХАНГЕЛЬСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

• Установка = фикс.

**САРДИЧКА = КОЛЯДНИКИ СВЯЩЕННЫЕ ПОДАЧИ ВСЕХИ-**

"Камни" — тезок Арион, Харла, Бин и Сириона.

СИПАНЭ = ИСКРИК



ЖАФОСИ САЛГЫЛЫКТАР

\* \* \*

Кимга қылдым бир вафоким, юз жафосин күрмадим?!  
Күргазуб юз мәхр. минг дарду балосин күрмадим!?

Кимга бошимни фидо қылдимки, бошим қаседиги  
Хар тарафдин юз туман<sup>1</sup> тиин жафосин күрмадим?!

Кимга күнглум айлади мәхру мұхаббат фюшким,  
Хар нафога юз жафо шининг жазосин күрмадим?!

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатыра  
Гайр<sup>2</sup> сари хулқу лутфи жонғизисин<sup>3</sup> күрмадим?!

Кимга солдым күа қарою оқини ишқ ичраким,  
Қоп аро пинҳон күзүм оку қаросин күрмадим?!

Сен вафо ҳүспі ахлизин қылма таваққу<sup>4</sup>, эй рафиқ<sup>5</sup>—  
Ким, мен ушбу хайсаны<sup>6</sup> ҳүсні вафосин күрмадим.

Эй Навоий, танба айдин қылмадим шайх оллида —  
Ким, бу ишда дайр пириниң<sup>7</sup> ризосин күрмадим.

<sup>1</sup> Тұманды — ун минг; ишқоятда күп, сағорига етиб бұлмайдыған.

<sup>2</sup> Гайр — ет, бытова.

<sup>3</sup> Жонғизиси — жонға рожат берүвчи, фарахбахш.

<sup>4</sup> Таваққу — күтіши, күа тутиши; умшіл, орзу.

<sup>5</sup> Рафиқ — дүст, ер, ҳамдем, ҳамрох, сирдош.

<sup>6</sup> Хайсаны — тоиға, гурух, ал, жамаға.

<sup>7</sup> Дайр — отапшыртстар ибодатхонасы; маждаған майхона Сүфийлор иетилөхніде орындар мияжиси на зоти ақадияғдан құзурланишини билдиради. Дайр пирі — майхона пирі, янын тарихт пирі, маънавиіт рәхбар.

Бүлмаса-бүлмаса-бүлмаса-бүлмаса-бүлмаса-бүлмаса-бүлмаса

\* \* \*

Гар аламимка чора йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай,  
В-ар<sup>1</sup> камима шумора<sup>2</sup> йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Ранжима йүқ эса агад — хөйт<sup>3</sup> бу эрса, пайлайин,  
Дардима гар капора<sup>4</sup> йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Жамъ эмас эрса хотирим, жамъ ўлтурика, зохид<sup>5</sup>,  
Хожати истихора<sup>6</sup> йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Ерлин элга комлар<sup>7</sup>, буки менинг сари гаҳи  
Күз учидиг назоре<sup>8</sup> йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Машъали васл ила улус<sup>9</sup> шоми муниаввару менинг —  
Бахтима бир шарюра<sup>10</sup> йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Қисми азалға шодмен, буки фалак риояти,  
Холима ошкора йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

Дедим: эрур Навоий ўз дардига чорасиз, деди:  
Гар аламимка чора йүқ, бүлмаса-бүлмасун, нетай.

<sup>1</sup> В-ар — ва атар.

<sup>2</sup> И у м о р а — сапоқ, ҳисеб.

<sup>3</sup> Х о е т — хоҳиш, истак; тағиб.

<sup>4</sup> К а н о р (в) — соҳил, қирвоқ; тараф.

<sup>5</sup> З о х и д — узлатын тақвоның касеб қызмет болып, дүнәй ласкотидан иза үтірган киши. Бу тоғифа ишқ үзілік үзілік болып келеді. Мәісөнди тақво билди охират мәрғириаттың қозопини. Құрьоңша ваязда қылнанған жапнатыннан құзур-ҳалықтарға еттішин. Сөфиийтарниң ҳар иккі дүнёдан маңызды Ҳудоннан Ұзи, үзінші лийдерін бұлғасынғы учун зоҳидарниңг бу шиншіл тамашырлық деб хисобладылар.

<sup>6</sup> И с т и х о р а — түш күріб, фол очинш.

<sup>7</sup> К о м — бу ерда: орау, мақенде; еттішинш, ишті бўлиш.

<sup>8</sup> Н а з о р а — қараш, пазар содиши.

<sup>9</sup> У л у с — халық, аз, омма.

<sup>10</sup> Ш а р о р а — 1) уяқун, алана; 2) алам, дард.

ପ୍ରାଚୀନ ଅଧିକାରୀଙ୍କ ମହାନ୍ତିରର ପଦରେ ଉପରେ ଆଶୀର୍ବାଦ ପାଇଲା

高 峰 集

Бир нарипайкар яами ошуфугаҳол<sup>1</sup> этмиш мени,  
Элга ахволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавойини<sup>2</sup> не тонг<sup>1</sup>, күргүзсалар бир-биргаким,  
Эгма кошинг фикри андоқким хилол<sup>4</sup> этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишкүн, нале үткан кече  
Бода зур айлаб, йиги безътидол<sup>5</sup> этмиш мени.

Ер күйи ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,  
Ишқ равюси бу янглиғ<sup>н</sup> поймол этишиш мени.

То ташимға ўт туташмиш, барқдекдур<sup>7</sup> ҳайъатим<sup>8</sup>,  
Фурқатинг<sup>9</sup> то заъфдин<sup>10</sup> яшдоқки нол<sup>11</sup> этмии мені.

Үт солурмен ох ила оламга, мен — ким, зухд<sup>12</sup> — ким?!  
Зохиidi афсурда<sup>13</sup> оё<sup>14</sup> не хаёл этмиш мени?!

Даңгт ваҳшиға апес<sup>13</sup> ўлсам Навоийдек, не тоңг.  
Үл нари савдоси чун Мажнун мисол этмиш мени.

О ш у ф т а х о л — паришондым, рам босган.

<sup>2</sup> Хәвойи — ошық, бесарор, сарғирдон.

Тонг — ажары, таажижүб, ҳайронаңык.

**Х и л о л** — янги чиққан ой, уч күнлилк ой; мажхозалық қол.

Э́тндол — йртачалик, мұтадылық

\* Янглия — каби, сингари, Ҳашаш.

Барк — 1) чакмоқ, яшиш; 2) ўт, олов, алланга; 3) шуыла, шур.

Х а й т — шакл, күрнеш, түрт.

Фуркат — вирилиқ, жудолик.

З а т. ф — құввателдік, ҳақындық

— Қамниш ичидеги ҳарийкимон парса  
Задумы — таңбасар пар молуб түрт мөлдөм

Зүйд — дунедан воя кечілб. төмт-иісідат  
тәрзін көрсөпсілдік нормалы.

— Айрүүрдээ — энгийн, түшкүү, ялангуяа, хагасын  
бүтээгдэхүүн — нь мөнгөн, мөнгөн бүтээгдэхүүн.

"Анис" — звест хэсгээр түмсэхэд хэмжээд

# ХУСЕНИ

\* \* \*

Хүсени орттар юзда зулғини анбарағышы<sup>1</sup> айлагач,  
Шамъ равланроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,  
С юзунгта тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Тир ила пайкошларинг<sup>2</sup> етти кўнгугул бўлбоч хароб,  
Сув қўюб, тухм эктинг, ул кишварни<sup>3</sup> вайрон айлагач.

Қоп эмаским, ёпти гулгун<sup>4</sup> ҳулла<sup>5</sup> жаиннат ҳозити<sup>6</sup>,  
Ишқ мақтулинг<sup>7</sup> шаҳид айларда урён<sup>8</sup> айлагач.

Ошкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгугул, кўзумни ҳайрон айлагач.

Жонга қўйғач нақди ишиқниг, қилди қўнглумни ҳалок,  
Ўлтурур<sup>9</sup> маҳрамни<sup>10</sup> султон гапж<sup>11</sup> пинҳон айлагач.

Эй Навоий, ишқ агар кўнглунгни мажруҳ этмади,  
Бас недурким, қоп келур оқзигидин афрон айлагач??!

<sup>1</sup> А н б а р а ф ш о н — албар сочувчи, ёқимин ҳид таратувчи.

<sup>2</sup> Ш а Й к о н — камон ўқининг унчдаги учлик темир; наизашинг утсир уни.

<sup>3</sup> К и ш в а р — мамлакат, ўлка, вилоят; иқлим.

<sup>4</sup> Г у л г у н — гулранг, пуштиранг, қизил.

<sup>5</sup> Ҳ у л л а — нағис матодин тикилтган кийим.

<sup>6</sup> Ҳ о з и н — хазиначи, қўриқчи.

<sup>7</sup> М а қ т у л — қатл қизининг. ўлдирилган.

<sup>8</sup> У р ё н — яланюоч.

<sup>9</sup> Ў л т у р у р — бу ерда: ўлдиради.

<sup>10</sup> М а ҳ р а м — бу ерда: содик хизматкор магъносига.

<sup>11</sup> Г а п ж — 1) хванина, бойлик; 2) нақд пул, олтин, кумуш.

ХОЖУЛДЫРЫЛЫПТАРДЫН АСАУЛДЫРЫЛЫПТАРДЫН

\* \* \*

Күзүнг не бало қаро бүлүптур —  
Ким, жонра қаро бало бүлүптур.

Мажмуын даволы дард қилди  
Дардинги, маңга даво бүлүптур.

Ишк ичра шининг фидоси юз жон,  
Хар жонки, салта фидо бүлүптур.

Бегона бүлүптур ошнодин,  
Бегонаға ошю бүлүптур.

То қылды юзүнг ҳавоси жоним,  
Юз сари аяга ҳано<sup>1</sup> бүлүптур.

Бақо топар үлки, бүлді фоший<sup>2</sup>,  
Рахривра<sup>3</sup> бақо<sup>4</sup> фапо<sup>5</sup> бүлүптур.

То түзди Навоий ояты ишк,  
Ишк ахли аро наво бүлүптур.

<sup>1</sup> Бу байтда ҳаво сұйын биринчи мисрәде — майл, орху, иккиси мисрәде — парноң маңынчыда келініти.

<sup>2</sup> Ф о и й — Иүқолниш, маҳв бүлиш. Тасаввуфда маддий боғлиқтыңдардан буткул құтулыб, фәқат Худо ёди билан яшаш, Худодан ғатага әхтиёжесиатик.

<sup>3</sup> Р а х р а в — иұзапчи, солник, мурид; тириқатты кириб, риесәт боғқычтарини бөсіб ұттың орқалы Худо сари сайд қыласттан кипи.

<sup>4</sup> Б а қ о — агадайылник, мангалик. Тасаввуфда фаннодан кейин кедүнчи сұнгы бөсқын. Бақоя етнен учун солник дүненний боғлиқтыңдардан тамомылаға сюнд бүллиб, руханин жөксөттірады да бесекости Худониң идрек этиди.

<sup>5</sup> Ф а и о — тасаввуфда байданинг Ҳақуда фапо бүлінши, янын башарий хүкүмнегарларыннан излоханы сифаттар ичре маҳв бүлиши.

# БАЛГЫРДАЛЫК

\* \* \*

Ердин айру күнгүл мулкедурур султони йүк,  
Мулким султони йүк, жисемедурурким, жони йүк.

Жисемдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қора түфроедекдүрким, гулурайхони йүк.

Бир қора түфроеким, йүктур гулурайхон аяга,  
Ул қоронку кечадекдүрким, маҳи тобони<sup>1</sup> йүк.

Ул қоронку кечаким, йүктур маҳи тобон аяга,  
Зұлматедурким, аниң гарчашмаи ҳайвони<sup>2</sup> йүк.

Зұлматеким, чашмаи ҳайвони ошың бүлмараі,  
Дүзахедурким, әнида рақсиян ризвони<sup>3</sup> йүк.

Дүзахеким, рақсан ризвониділ ўлттай ноумид,  
Бир хуморедурки<sup>4</sup>, анда мастили<sup>5</sup> имкони йүк.

Эй Навоий, бор аяга мундоқ уқубатларки, бор  
Ҳажрдин дарди-ю, лекин васелдин дармони йүк.

<sup>1</sup> Маҳи тобон — равшан нүр соңғычы ой, мажисын: мышук.

<sup>2</sup> Ағсанага күрш, чашмаси ҳайвон, янын оби ҳаёт чашмасен, тириклик суни ер остидағы қорониялық — зұлмат қырыда сақланады.

<sup>3</sup> Равзани ризвони — жаңнат боевари.

<sup>4</sup> Хумор — мунитоқ, майнараст. Тасвивуфда пирі көміл за мұршизи воеалғы индора.

七〇

Мехр күп күргүадум, аммо меxрибоне топмадим,  
Жон басе<sup>1</sup> күлдим фидо, оромижоне топмадим.

Еам била жонимра еттим, ғамгусоре<sup>3</sup> күрмадим,  
Хәжр ила дилхаста бүлдүм, дилситопе<sup>3</sup> тошмадим.

Ишк аро юз миң мағомат ўқыра бўлдум нишон,  
Бир камонабрўда<sup>4</sup> тузуқудин<sup>5</sup> нишоне тоимадим.

Күнглум ичра сарың үкдур, үнчә — пайкон, гул — тикон,  
Даҳр бори ичра мундок ғулситоне<sup>8</sup> тоғмадим.

Хүсн мулки ичра сендек шохи золим күрмадим.  
Ишк күйида ўзумдек иотаноне топмадим.

Күп ўқудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бултыжаброк<sup>7</sup> достоне топмадим.

Табъ гаңжидин маопи<sup>9</sup> хурдасин<sup>9</sup>, юз қатла ҳайф —  
Ким, иисор<sup>10</sup> этмакка шохи хурдаоне<sup>11</sup> топмадим.

Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне тоғмадим.

Бағыт — күп, беніхде, шу қадар.

**Фыгусор** — кандай халыс қылувчи, меҳрибен.

**Дилситон** — күнгизлии ғанаға аспир қылувачи; маңызуқа.

• Камони бүрү — қошы камон.

Тузлук — түркілік.

Гулсайт он — гудистон. Вази талаби билан шуккай ёзилган.

Булъажаб — ажойиб, хайрон қоларни.

Манни (II) — мильодар.

Художник — Евгений Сиротин

— 11 и с о р — 1) сочиш, фидо қилиш.

"Хурдадон — познкфаҳм, угкир заковаетли.

\* \* \*

Ердин ҳижрон чекар ушытоқи зор, эй дүстлар,  
Неча тортай ҳајжр, чун йүк мендә ёр, эй дүстлар.

Ер ишкүн асрагыл шипхон, дебоп саъй этманғиз, Вах, не павы уттум йұқ ишни ошкор, эй дүстлар.

Ишқ бирла гар бирор лохри вафову ахд урар, Ишвагарлар ахдига йўқ эътибор, эй дустлар.

Айламанг бекаслигимни<sup>1</sup> таңы, бир күн бор эди  
Менде ҳам бир нозанин чобуксувор<sup>2</sup>, эй дүстлар.

Ерсиз наиропса қон йиеклармен, охир, сиз қилинг  
Ер бирла гашти болу лолазор, эй дүстлар.

Ерсиз ифрат<sup>1</sup> ила гар йиеласам, айб этмангиз — Ким, эрур бу иш машта беихтиёр, эй дүстлар.

Дүстлүк айлаб, тутунг гаҳ-гаҳ лаболааб жомким.  
Қасди жон қылмыш манға дарди хумор, өй дүстлар.

Май ичингким, дахр эли ичра күп истаб топмадук  
Ахду паймопида бүлөөн устувор, эй дүстлар.

Ернгиз васлии тапимат аялабои шукр айлангиз —  
Ким, Навонӣ ӯлди бекасликда зор, эй дӯстлар.

Бекас — кимеден, ёлкин, тарыб.

<sup>1</sup> Чабуксу вор — моңир чаввандоз; мажизан: маңышуқа.

<sup>1</sup> И ф р о т — хаддаң ошып, чегаралан ташқары чиқып.

# ХАЙРАТТАРЫНЫҢ АСЫРДАРЫ

\* \* \*

Үн сакыз минг олам ошуби<sup>1</sup> агар бопиншадур,  
Не ажаб, чун сарвинаозим үн сакыз ёшиншадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам үн сакыз йил ҳусни бор,  
Үн сакыз ёшинда мунча фитнаким бопиншадур.

Үн сакыз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдуур  
Ҳуси тоҳди, ул балоларким кўзу қошиншадур.

Ҳайрат этмои<sup>2</sup> ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор.  
Барчаси Эзид<sup>3</sup> таоло сунг<sup>4</sup> наққошиншадур.

Таш аяга сийму<sup>5</sup> ичиңда тош музмар<sup>6</sup> кўнглидин,  
Ақдив юх ҳайрат ул ойнинг ичу тошиншадур.

Май<sup>7</sup> кетур, ай мұрқи<sup>8</sup>, юз ҳайрат аро қолмит Масих<sup>9</sup>,  
Булъажабларким, бу эски дойр хуффониншадур<sup>10</sup>.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри<sup>11</sup> аюк,  
Ҳар қачон боқсанг, қуеш акси аниңг ёшиншадур.

<sup>1</sup> О ш у б — яниро, тўплон, фитниа.

<sup>2</sup> Э т м о и — этмайман.

<sup>3</sup> Э з и д — Худо, Тангри.

<sup>4</sup> С у н ғ — 1) яратниш, маҳорат; 2) Қудрат.

<sup>5</sup> С и й м — 1) кумуш, пыя; 2) оқлик, оқ бадан.

<sup>6</sup> М у з м а р — пинҳон, махфий; дилдиға сақланган.

<sup>7</sup> М а и — тиславиуф адабиётидаги илоҳий тажвали тымсали, индик ли ирфон римзи бўлиб келади. Шунгги мувофиқ мистик илоҳий маърифатдан ҳурурланиши, маънавий занқ давречига ширқ бўлишини билдиради.

<sup>8</sup> М у р қ — оташшараест; бозланти оташшараестлар руҳонийен маъносида ҳам келади; мажказия; пирли комил.

<sup>9</sup> М а с и х — Исо пайямбар. Унинг қузи теккан — силагав ўзикка жон кирав экан. Шунинг учун ҳам ул хот ал-Масих — силовчи деб узувланган. Нафраси ошиқка жон бартилайдиган маъшуқага ҳам Масих сифатин беринади.

<sup>10</sup> Х у ф ф о ш — кўришнадак.

<sup>11</sup> Б а ҳ р — яним дарё, дешги.

ЖАҢАЛЫҚТАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА НАСАРДА

\* \* \*

Бир күн мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси<sup>1</sup>,  
Үсүрк<sup>2</sup> чиқиб, жаңлон қылаб, девонавор<sup>3</sup> ўлтургуси.

Гар заңғылаштырып күнглига раҳме солса ҳам,  
Бошимра еттак секретиб, бейхтиёр ўлтургуси.

Васли аро гар ўлтурур — жонимға із минг шукр әрүр,  
Чун қолсам андип бир замон, ҳижронн зор ўлтургуси.

Ошиқ бұлурда білмадым мен потавони хастаким:  
Хажр ўлса — ғам күйдүргуси, васл ўлса — ёр ўлтургуси.

Майдон аро, ай ақын дин, кирманғ тамошосынраким,  
Юз күрмайни ул кофири чобуксувор ўлтургуси!

Лаълинг закоти<sup>4</sup> май тутуб тиргузмасаң, ай мүбача<sup>5</sup>,  
Дайр ичра мен ділхастани ранжи хумор ўлтургуси.

Дерлар: Напой қатына гүлгүл очибтүр оразин,  
Күргунчча ани, войким, бу хорхор<sup>6</sup> ўлтургуси.

<sup>1</sup> Ўлтургуси — ўадаргуси.

<sup>2</sup> Үсүрк — мает, гархуш.

<sup>3</sup> Девонавор — девонашарча, төлбазарча.

<sup>4</sup> Закот — испом дінінде мұхтожшылар фойдағасыга ҳар йилде умумий да-ромаддинш қирқдан бір улушы миңдерінде олшандығын солық. Бұ ерда:  
лаъл закоти — лаб солығы, янын бүсө маңынғыда.

<sup>5</sup> Мүбача — мүк (оташпарадет)лар хисаматидығы бола. Тасаввуф адабиетінде содиқ мұрид, чин ошиқ ва соқий тимсөли бүлиб келади.

<sup>6</sup> Хорхор — шытиёк.

ЖАҢАЛЫҚТАРДА НАСЫПАТЫНДА БАСТАУАЛАРДА

\* \* \*

Гул сочар ел бөр аро, сарви равоним<sup>1</sup> келдиму?  
Жоп иен гулдин келур, ороми жоним келдиму?

Бехуд<sup>2</sup> эрдим айткали күнглум, чу келдим ҳолима.  
Айтинг: ул оворан беконумоним<sup>3</sup> келдиму?

Қолміш эрди хаста жон кирганды мен майхонаға<sup>4</sup>,  
Англамоңким, ул заифи нотавоним келдиму?

Демалғизким, келди маңнашылар<sup>5</sup> сенин ўлтурғали,  
Мунни денгким, қотили пәнехрибоним келдиму?

Ҳажридин ўлдум демашким, бошима келмиш Масих,  
Айтинг, ул осойиши руҳи равоним<sup>6</sup> келдиму?

Күюнта ушыңқ келгандын хабар тұттуңг валек,  
Демадинг, ул зори беному пішоним келдиму?

Зухд күйиге күнгүл бирла, дедиңгким, келмадинг,  
Әй Навоий, исек айтиб, ул ёмоним келдиму?

<sup>1</sup> Сарви равон — юрувчи, хірім ітүвчи сары, языни маҳбуба.

<sup>2</sup> Бехуд — ұйындан бехабар, ҳүшсіл, ихтиерсіл. Тасаввұфда сүкр ва ошиқтык мақомы.

<sup>3</sup> Беконумоник — 1) үй-жойсия, 2) сарсон-саргардон, бечора.

<sup>4</sup> Майхона (майкада) — шапқу завқу илохий файзға кон көміл орніфінде ботини. Илохий адам майхона ида ҳам келади.

<sup>5</sup> Маң ваваш — ойға үхнеган, ойдай гүзіл маҳбуба.

<sup>6</sup> Равон — бу ерда: жон, ҳаёт, тириклик, руҳ.

ପ୍ରାଚୀନ କବିତା ମଧ୍ୟ ଏହାରେ ଦେଖାଯାଇଥାଏ କିମ୍ବା କିମ୍ବା

高 高 高

Гар жафо қыл, гар вафоким, дилситоним сен менинг,  
Гар мениң ұлтур на гар тиргүзки, жоғим сен менинг.

Хоҳ ратын қад била боркыл ёнимдип жилвагар,  
Хоҳ кел қосымраким, сарви равоним сен менинг.

Күнглум ичра сенсену ишқинг — не дей ҳолим сенга,  
Чун бу яңғын махрами<sup>1</sup> рози<sup>2</sup> ниҳоним<sup>3</sup> сен менинг.

Жилва айлаб ҳар замон, афюнун<sup>1</sup> охим қилма айб.  
Хам сен-үк<sup>2</sup> чүп бойын оху фиғошым сен менинг.

Латълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон, Бори<sup>6</sup> бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.

Төлбалардин тарчи рад қылдатып мени, дәк аягларыл —  
Ким, париухсораңдардың ташшарым сен менинг.

Үлди мөхрингдии Навоий — бевафо дебсөн ани, Энгэгч нозүүж мизожи балгумошиг сен менинг.

М а х и м = сирбен, улфат, хамдим.

<sup>2</sup> P o 3 = CHD, RECHP,

**Илья** — яширии, пинхон, махфий.

АФЕОН = фироңтар, фарәңтар, ислаңтар.

<sup>3</sup> Се и-Үк — Үк — (кучайткриш коктамаси), Үснингтина, факат Үзинг.

\* Б о р и - бари, бараси, хаммаси.

# Н А В БАХОР АЙСИ БҮЛМШИ, МЕН ДИЁРУ ЁРЕИЗ

\* \* \*

Навбаҳор айсими бўлмши, мен диёру ёреиз,  
Булбул ўлғандек ҳазон фасли гулу гулзореиз.

Гоҳ сарв узра, гаҳе гул узра булбул шамасоз,  
Ваҳки, менмен тунгу лол ул сарви гулрухеореиз.

Тонг эмастур гар диёру ёреиз озурдамен —  
Ким, эмас булбул гулу тулзореиз, озореиз.

Равза ашжори<sup>1</sup> ўтундур, гуллари жонимга ўт.  
Мумкин ўлея анда бўлмоялия даме дилдореиз.

Май чу бердинг, зулф<sup>2</sup> ила банд эт мени, эй муббача —  
Ким, хуш эрмас мур билди ичмак қадаҳ<sup>3</sup> зуниореиз<sup>4</sup>.

Тонмадуқ гулранг жоми<sup>5</sup> бехумор, эй бойбои,  
Ваҳки, бу гулшаш вро гул бутмас эрмини ҳореиз<sup>6</sup>.

Аҳли зуҳд<sup>7</sup> ичра Навоний тонмади мақсадқа йўл,  
Вақтингизни хуш тутунг, эй жамъалим<sup>8</sup>, хуммуреиз<sup>9</sup>.

<sup>1</sup> Ашжор — дарахтлар.

<sup>2</sup> Зулф — сөч; аёлларининг икти чаккасиданги жамалити, кокили. Тасаввуда у бир неча маънида келади: идрокига ҳеч ким қодир бўлмаган илоҳий моҳият; куфр зулмати; йўқлик олами: шаҳдат мартаబаси ва ҳоким. Зулфининг ҳалқалиги — илоҳий сирзар, уауилтиги — оламининг чекенлизиги, бесқарорлиги — оламининг ўғарувчилистиги римаси.

<sup>3</sup> Қадаҳ — тасаввудда ишорани илоҳин маърифат майдига лиммо-лим қалаби.

<sup>4</sup> Зуниор — насроний динисагитлар белигига боғлайдиган чизвир. Ислом мамлакатларида юйри мусулмонлар ҳам зуниор боғлаб коришган. Тасаввудда зуниор — ҳолқиий маҳбубо ҳиссими таъятига бел боғлиши.

<sup>5</sup> Жоми — чийи идиини, қадаҳ, коса, писла.

<sup>6</sup> Хор — тикан, ниш.

<sup>7</sup> Аҳли зуҳд — зоҳидин.

<sup>8</sup> Жамъалим — бу ерда: түрүх, жамоат.

<sup>9</sup> Хуммуреиз — майхўр; Тасаввуддо: саргардон ошиқ.

३० अस्ति अस्ति

本 条 文

Үзгә бўлди ёр-у, меҳри менда боқи(й)дур ҳануа,  
Нотавон кўшлумда ул ой иштиёқидур ҳанум.

Гарчи ўзга ёр истар хотирим, бордур валек,  
Жон анга манзил, күпгүл аниң висоқидүр<sup>1</sup> ҳану.

Файр ишкі күнгілум уйинда нечук қылтайды нұзат<sup>2</sup>  
Ким, хаёли маскани күдім рапоқидур ҳануа.

Ишк ила май таркин, эй посих<sup>3</sup>, не пашь алтай қабуя —  
Ким, күнгүлтга орзу ул турфа сохи(й)дур ҳануз.

Фурқат ўти доғжын<sup>1</sup> дөв ўртамақдур демаким.  
Үргагап жоним ул ой дөри фироқидур ҳануз.

Чарх ёлғыз құлмаді Фарҳод қонын дөлазор,  
Лола қонын түккүчи апнің инфокидур ҳашуа.

Эй Навоий, гарчи мени меҳреиз дер эрди ёр,  
Ўага бўлди ёр-у, меҳри менда боқи(й)дур ҳануз.

Висок — юб, хома, чакшил, макон.

\* В у а у л — т у ш и ш .

\* Погиб — несправедливо.

Доғең – дағысын, қайтарып, йүргөтим.

३० अस्ति अस्ति

高 高

Не наво соз айлагай булбул гулистандин жудо.  
Айламас түти такалтум<sup>1</sup> шаккаристандин<sup>2</sup> жудо.

Үл қүёш ҳажриңда, құрқармен, фалакни ўттагай  
Хар шарореким, бұлур бу үтгүр ағроңдін жудо.

Дема: ҳижропимда чекмайсөн фиғону иола күп, Жилем айларму фиғон бўлган нафас жондип жудо?

Хажр ўлумдин талх<sup>3</sup> эмиш, мундин сүнг, эй гардун<sup>4</sup>,  
мени  
Айлагил жондин жудо, қылғуңча жонондин жудо!

Бұлса көз минг жошим, ол, эй ҳажр, лекин құлмасыл.  
Ерин мәндін жудо ёхуд<sup>5</sup> мени ондін жудо.

Васл арю парвона<sup>6</sup> ўртанди ҳамоно билдиким,  
Килгүдекур субх<sup>7</sup> аны шамъын шабистондиг<sup>8</sup> жудо.

Бир эясиз<sup>"</sup> ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ё Рабки, ҳаргиз<sup>"</sup> бинда султондин жудо.

Так вадум — сұз, нұтқ.

<sup>1</sup> Шаккар истон – шакар ҳосил буладиган жон, шакарзор.

Талх — вччиқ, ёмон.

Гардун — 1) осмон, филак; 2) дунё.

<sup>5</sup> Э х у д — ёки.

\* П а р в о и а — кечвеи шамъ ёки чироқ аткында айтаниб, үзини унгы урадылган ҳашарет. Ш и м ь в а п а р в о и а — тасавиүф шөз риятидаги машхур тымсағшардан. Бұлда шамъ — илохий инш, парвона — оның рамзи булиб келади.

<sup>1</sup> Сүбәх — тонг. Тасаңүйғыда наңдат ёки наңдат нурназ ишора.

<sup>1</sup> Шамъи шабистон — уйғын ёрнадыган шамъ, янын маҳбуби.

\* Э я — эга.

<sup>10</sup> Харгиз — хеч қашоң, ас то.

九、高

Ул ой қасдима тири бурроң<sup>1</sup> чекиб,  
Мен олдида шукронага жон чекиб.

Масиҳим чу фарёдима етмади.  
Неча Үлгурай Үзүн афюш чекиб.

Ҳамоню ёмон күзга майл айладынг,  
Алиф<sup>2</sup> шил<sup>3</sup> ила иззга хар ёш чекиб.

Лабинг шүшдорусидин<sup>4</sup> не осир<sup>5</sup>,  
Мен үлдүм чу хуноби<sup>6</sup> хижрон чекиб.

Кетур, соңиё, давр аёгин тұла —  
Ки, жон колмади раңжи даврон чекиб.

Агар вассли бөкүй керак, истагил  
Фано күйига рахти" хирмон" чекиб.

Павоий бериб жоп ўқи шавқидин,  
Анинг захмидиг<sup>11</sup> ёр пайкон чекиб.

Б у р р о н — ўткир, кескир.

А л и ф — араб аліфбосуннанғ бириңчы қарғи. Тик, түрі қызық шак-лида булған шиғи үчүн маҳбубанинш көлишгән ва тик қомати унта нис-бат берилади. Бу ерда ҳам тик, түрі мәтінсіздә келаяпты.

Нил — 1) күк, күк бүек; 2) күлгэ сурма, юзга ясама хол түйинш учун иштэжилгэн мис сурманы.

**Нұшдору** — захарға карши дори, тәрік.

**О с и р — фо́йзя, наф.**

\* Хүнөб (хүнөб) — қопыл ёш; аччиң йини.

<sup>1</sup> А́е́к (а б қ) — қадаҳ; май. Да и р а ё ғи — даврада айланыб турған май қадаҳи.

\* Рахт — наргалар, асбобу анжом, сафар анжоми.

**Хирмон** — маҳрумлик, бенагиблик.

— Захм — яра, жароқат, зарба; оқпор.

# ЖУНУНДАРЫЛЫСЫ

\* \* \*

Жүнүн<sup>1</sup> тоши уруб, ҳар ён яиги дөримни афгор<sup>2</sup> эт.  
Ичимдин лоладек ишқ ичра тошимни намудор<sup>3</sup> эт.

Чу мажиун<sup>4</sup> қылдинг, эмди, эй мурзаний<sup>5</sup>, гүшатобингни<sup>6</sup>  
Күнгүл савдоси таскини учун бўйпумга туммор эт.

Десанг, кўнглум күши айлаб ҳаво, чеккай наюи ишқ,  
Хаднгингнинг<sup>7</sup> парин айлаб қанот, пайконни минқор<sup>8</sup> эт.

Сочинг куфрида<sup>9</sup> ўлсам, қабрим узра қўйма хирқамии<sup>10</sup>,  
Чекиб ҳар торини бир барҳаман<sup>11</sup> белига зунор эт.

Кўнгул айлонида оҳим елидин нардаи ишқинг,  
Десангким, учмасун мужгондии<sup>12</sup> атроғиға мисмор<sup>13</sup> эт.

<sup>1</sup> Жүнүн — ошиқпик, беқарорлик, сандойилик, узидаи бехабарлик.

<sup>2</sup> Афгор (фигор) — мажруҳ; азилган, камгин.

<sup>3</sup> Намудор — намоҷи.

<sup>4</sup> Мажиун — 1) ошиқи шайдо; 2) жинни, телба.

<sup>5</sup> Мурзаний (мутриб, чолиүчи) — орифлар дилини  
рамзалар кашфию ҳақиқатлар баёнига тўхидирадиган. Файз етказувчи.  
Илоҳий оламдан оғоҳ итувчилик ва комил ширларга ҳам ишора қили-  
нади. Үнинг күни — маврифат, қушини ўса — ҳақиқат.

<sup>6</sup> Гүшатоб — ҷаъгу қулои.

<sup>7</sup> Хаданг — 1) ўқ, кавми ўқи; 2) наїза.

<sup>8</sup> Минқор — қуш тумшури.

<sup>9</sup> Күфир — тасвивуғда бу дунё зулмати. Йиғи: яхдатнинг кагратла маҳв  
бўлиши. Ҳақиқий күфир абдий фанодир ҳам дейдилар.

<sup>10</sup> Хирқа — шабиху муридлар киядиган махсус кийим.

<sup>11</sup> Барҳаман — браҳман: бутпарастлар руҳониёси.

<sup>12</sup> Мужгоя — киприк, мижга. Тасаввуғда мышуканнинг мозу кариш-  
маси туғайли ошиқнинг қўкигига санчалиб, уни яралайдитан ўқ, най-  
за, хвижар кузда тутилади. Соликнинг валояти, ҳоли ва мартабаси  
Бўлидаги ҳижобги ҳам ишора қилинади.

<sup>13</sup> Мисмор — мих, пона.

Десенг оқзин<sup>1</sup> күрай, зй ақл, марказ шуктасип иста,  
Вале шаруг ушбуким, аввал қүёш давриппи пяргор<sup>2</sup> эт.

Иморат тархидур наъту<sup>1</sup> алифдин ҳар тараф кўксум,  
Вафо қасерин қўнгарсанг, бу бинолар узра девор эт.

Эрүр мақсадт үшроқ, водий узүи, туи тийра<sup>4</sup>, йүл буртоқ<sup>5</sup>.  
Бу йүлда салб<sup>6</sup> этиб үзлук<sup>7</sup> юни, үзни сабукбор<sup>8</sup> эт.

Навоий ўлса тиргузгил юзига юз қуюб, янын  
Юзига су уриб, ул үйкүсүдүн они бедор эт.

Оғиз — сүйнілілар иетілінгенде илохий каломға, узинг чиқишиң үрнігебишорға. Шұнға мұкоғын, оныннан алынғандағы кичкіншіліктер, ғодоңаттар күріб бұлымас даражада ақынларға — илохий есірорни жәл биландыратындын шығарылады.

• II аргор - циркуль. Бүгэдээ лийсанын мөнгөсүйдээ көзлүүтэй.

Нельзя — така, нарад; така шеклшдаги тамға.

Ти́йра — корва, коропчи; хира, шуренз; қайгулти, ям-яугчали.

**Буртоказ** — пасту баланд, нотекис.

Салб — аук қишиш, инкөр зиян.

За зуя — писонинг нағе вадын билдирилген. Улар ҳар дахсан кишигига ғалыптын жолатыб, уни Худо едидан чылдыратады.

\* Сабукбор — юни ригил; машозон; хотиржам. бешарви

# ЖАСИМ

\* \* \*

Эй насими<sup>1</sup> субҳ, ахволим дилоромимра айт,  
Зулфи сунбул<sup>2</sup>, юзи гул, сарви гуландомимра<sup>3</sup> айт.

Буки лаъти ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лаболаб бодаошомимра<sup>4</sup> айт.

Ком<sup>5</sup> талху бода заҳру ашк рангин бўлганин,  
Лаъти ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимра<sup>6</sup> айт.

Шоми ҳижрон рўзгоринг тийра невчун қилди деб,  
Сўрмарил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимра айт.

Ул пари ҳажрида наигу иомким<sup>7</sup> тарк айладим,  
Кўнгул отлир ҳажр водийсида бадномимра айт.

Эй кароматгўй, ишим оғози<sup>8</sup> худ<sup>9</sup> исёи эди,  
Шамъи раҳмат партави<sup>10</sup> сткайму анжомимра<sup>11</sup>, айт.

Йўқ Навоий бедил<sup>12</sup> ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Холини зинҳорким, кўрсанг дилоромимра айт.

<sup>1</sup> Н а с и м — тоиг шамоли, сингил, ёқимили шабадо.

<sup>2</sup> С у н б у л — ингичка баргли, гуллари ҳашқа-ҳашқа, қўтирироқсимон ва хушбуй ўимлик. Мавъуқанини сочи ҳашқа-ҳашқалиги ва мувттар ҳид таратиши жиҳатидан сунбулга нисбат берилади.

<sup>3</sup> Г у л а и д о м — гулбади, ғузал қоматли, хушбичим.

<sup>4</sup> О ш о м — ичиш, ейиш.

<sup>5</sup> К о м — бу ерда: оғиз, танглай.

<sup>6</sup> Х у д к о м — фақат ўз минифматини кўзловчи, худбин.

<sup>7</sup> Н а и г у и о м — ор-иомуг, обру-ъитибор.

<sup>8</sup> О ғ о з — бопланиш, кирниши, ибтидо.

<sup>9</sup> Х у д — 1) ўзи; 2) ёлриз, фақет; 3) албатта, ҳақиқатни.

<sup>10</sup> П а р т а в — нур, ёдуд, шуъла, ёрувлик.

<sup>11</sup> А н ж о м — охир, оқибат, натижи; поён, туташ, интиҳо.

<sup>12</sup> Б е д и л — бу ерда: ошиқ, мафтун; қайгули, ҳасратли ошиқ.

३० अस्ति अस्ति

三

Сен ўз хулкунгни түзгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,  
Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд.

